

ДАНИЭЛ ДЕФО

# РОБИНЗОН ҲИКОЯСИ

Тошкент  
«Мухаррир» нашриёти  
2013

УЎК: 821.111-3

КБК 84(4Вел)

Д-43

*2-таълим сараб.*

Даниэл Дефо

Д-43 Робинзон ҳикояси: / Д.Дефо; - Тошкент:  
«Муҳаррир» нашриёти, 2013. 40 б.

ISBN - 978-9943-25-268-4

Мазкур «Робинзон ҳикояси» машҳур инглиз адиби Даниэл Дефонинг «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари» номли романининг қисқартирилган нусхаси бўлиб, XX аср бошида Фозилбек Отабек ўғли томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Ҳажман кичик бўлса ҳам, «ҳикоя»да инсон турмуш тарзи, ҳаёт йўли ва маънавий-ахлоқий қарашларига доир муҳим масалалар қаламга олинади. Хусусан, инсоннинг жамиятдан ажраб, якка-ёлғиз яшай олмаслиги, айниқса, фарзанд ўз ота-онаси кўрсатган тўғри йўлдан юриши ва бошқаларга яхшилик қилиши каби умуминсоний одоб қоидаларига алоҳида урғу берилади.

УЎК: 821.111-3

КБК 84(4Вел)

*N1 31809  
091*

Таржимон:

Фозилбек Отабек ўғли

*Матнни ҳозирги ўзбек тилига мослаб  
нашрга тайёрловчи:*

**Баҳодир Каримов,**

филология фанлари доктори

2014/1 А 70	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
----------------	--

ISBN - 978-9943-25-268-4

© «Muharrir» нашриёти,  
Тошкент, 2013.

## АСАР ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

(Сўзбоши)

Машҳур инглиз ёзувчиси Даниэл Дефонинг (1660-1731) «Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари» романи муаллифга фавқулодда улкан шуҳрат келтирди. Саргузаштнома бу роман қаҳрамони Робинзон Крузо дунё адабиётидан ўзига хос ўчмас бир ўринни эгаллади. Бунга ўхшатиб Европа адабиётида робинзонномалар, яъни романга тақлидан ёзилган асарлар майдонга келди. Аллакимлардир тасодифан ёки атайин Робинзон ҳолига тушиб, бир олам саргузаштларни бошидан кечирди (Бу ҳақда қаранг «Тафаккур» журнали 2004 йил 2-сон. Иван Головня «Танҳолик азоби». М.Қаршибой таржимаси). Бироқ бирортаси Робинзон Крузонинг шуҳратини қозона билмади.

Инсон зоти ёлғиз яшай олмайди, гарчанд энг гўзал ва бой эгасиз оролларга хўжайин бўлса ҳам, одамзот учун яшаш ниҳоятда зерикарли бўлади, инсон ижтимоий ҳаётда, инсонлар билан муомала-муносабатда инсондир, деган улуғ бир ғояни бадиий талқин этган бу роман кўплаб тилларга таржима қилинди.

Жумладан, «Робинзон Крузо» романи ўзбек тилида Йўлдош Шамшаров таржимасида бир неча бор нашр этилди.

Аммо романнинг илк таржимаси XX аср аввалида амалга оширилганидан, эҳтимол, кўпчилик беҳабардир. Аниқроғи, «Робинзон Крузо» 1911 йилида Муҳаммад Фозилбек Отабек ўғли томонидан оригинал сюжети қисқартирилиб, мазмуни ўзбек тилига ўгирилади. Тошкентда Фулом Ҳасан Орифжонов босмаҳонасида нашр этилади. Китоб муқовасида қуйидаги маълумотлар ёзилган: «Рўбинзун. Ин китоб ҳикояи ажойибу ғаройиб мусамми ба рўмон. Баиҳтимоми широкати Мулла Муҳаммад Қосим қори махзум ва мулло Султонхон махзум. Мутаржим Фозилбек Атобек ўғиллари». (Бу китоб ажойиб ва ғаройиб ҳикоялар романи деб номланган).

Таржимон асарни ўғиринга киришиш сабаблари учун

ёзган «Муқаддима»да куйидаги фикрларни баён қилади: «Робинзон деган бир англизнинг бошидан ўтган ғариб ва ажиб бир ҳикоя бўлгани учун энг аввал англиз тили билан ёзилиб, сўнгра барча Европа тилларига таржима қилинган бир ибратнома ҳикоя бўлибди. Яна арабча, туркча, ҳиндча, форсча, татарча қилинган таржималари ҳам бор. Лекин бизнинг ўзбек халқимиз тилида ҳеч вақт таржима бўлмаган экан. Ушбу ибратнома ҳикоядан бебаҳра қолганлари учун ушбу ибратнома «Робинзон ҳикояси»ни ўзбек тилига таржима қилдим. Бизнинг халқ ҳам ўқиб билиб ғафлат уйқусидан кўзлари очилишини истадим».

Таржимон ўзбеклар ҳам бу ибратнома китобдан баҳраманд бўлишини, шунингдек, ғафлат уйғусидан уйғонинини, кўзларини очиб дунёда юз бераётган маърифий муҳитдан хабардор қилишни ўз олдига мақсад этиб кўяди. Зеро, мутаржим Фозилбек Отабек ўғлининг қарашлари ўз даври илғор зиёлилари — маърифатсевар жадидларнинг улуғ ғояларига ҳамоҳанглиги яққол сезилади.

Таржимашунослар, хусусан, Ж.Шарипов ўзининг «Ўзбекистон таржима тарихидан» («Фан», 1965) номли китобида бу таржимага муносабат билдириб, мутаржим бу таржимага 1908 йилда нашр қилинган 77 бет ҳажмли озарбайжон нусхасини асос қилиб олган деган фикрни айтади; нусхаларни ёнма-ён таққослайди. Фарқларини кўрсатади. Фозилбек Отабек ўғли «Муқаддима»да романинг озарбайжонча таржимасини эсга олмайди. Албатта, XX аср бошида туркий тилларда «Робинзон Крузо»нинг бир нечта таржима нусхалари мавжуд эди.

Ҳижрий 1294 йилда (мелодий 1877 йил) «Робинзон Крузо»нинг турк тилидаги таржимаси босилади. Ҳажми — 171 бет. Бунда икки бетлик «Дебочаи ҳикояи Рубинзун»дан кейин асар матни «Бинг олти юз ўтуз ики сана мелодийасинда Англитарада мутаваллуд ўлуб, ул вақт Инглиз ила Испания байнинда воқе бўлан муҳорабада вафот эдан дўрт қариндошларнинг буюги (Рўбинзун) ном шахс саргузашти...» деган жумлалар билан бошланади. Матндаги кичик бўлимларга қавс ичида форсча сарлавҳалар (Музокараи Рўбинзун бамодараш — Робинзон-

нинг онаси билан баҳси) (5-бет), (Тасодифи Рўбинзун бишарика хўд — Робинзоннинг ўз шериги билан учрашуви) (6-бет), (Таҳрий Рўбинзун бисафинати дигар — Робинзоннинг бошқа кемадаги ҳаракати) (12-бет), (азимату Рўбинзун бисафари дарё дар дафъаи солиса — Робинзоннинг учинчи денгиз сафари) (13-бет) қўйилгани турк тилидаги бу таржима учун романнинг форс тилидаги таржимаси асос бўлган, деган тахминни беради.

1909 йили тўрт қисмдан иборат жами 152 саҳифалик «Робинзон»нинг татар тилидаги таржимаси Қозонда босилади. Асар «Рўбинзун ҳикояси» тарзида номланган бўлиб, мугаржими-Н.Н. Ношир сифатида «Китобчи Хусаинов во-рислари» кўрсатилади. Роман тўрт жуъз ҳолида алоҳида-алоҳида нашр қилинади (1-жуъз — 44, 2-жуъз — 32, 3-жуъз — 36, 4-жуъз — 40 бет, жами 152 бет). Бундан ташқари асар матни рим рақамлари билан қисмларга ажратилган бўлиб, қисмлар аввалида сарлавҳа сифатида тасвирланадиган воқеалар хусусида «Рўбинзуннинг явмия (кундалик-Б.К.) дафтарида баъзи мактублар. — Зилзила. — Хавф (қўрқув). Рўбинзуннинг янгидан юргни тозартуви (уйини қайтадан қуриши — Б.К.)» каби маълумотлар берилади. Роман: «Мен туғдим Йўриқ шаҳринда мўътабар фамилиялардан бир фамилияда. Исми Рўбинзун Крузо ўлуб, отамнинг ўғиллари орасида учинчи ҳам энг кичиклари эдим», деган сўзлар билан бошланади.

1934 йили Қозонда романнинг яна бир таржимаси босилиб чиқади. Китобнинг аввалги саҳифасида: «Бу китоб инглиз ёзувчиси Дефонинг «Робинзон Крузонинг бошидан кечирганлари» номли романи бўйича Л.Н.Толстой тарафидан қисқартирилиб ишланган», деган изоҳ ёзилади. Демак, роман Л.Толстойнинг назарига тушган, рус болалари учун ўз вақтида махсус соддалаштириб, қисқартириб ишланган ва нашр қилинган. 1909 йилдаги татарча нашрдан фарқли ўлароқ бу таржима 83 бетдан иборат. Таржимонига ҳам бошқа — «Ш.М.» имзоси қўйилган. Бошланиши аввалги татарча нашридан фарқли тарзда: «Гамбургта бир бай купес яшаган, анинг уч малайи бўлган. Олий малайи гаскари бўлакка китип, анда

хизмат ита башлаган, лекин сўғиш башланип, ани шул сўғишта франсузлар утирганлар. Уртанчи малайи мактабга кирип уқи башлаға, лекин бийк қати аврув сабабле аниси-да узақламай улеп кеткан. Шулай итип, аларнинг тўпчак малайлариғина қолгон, — Робинзон исмида булған» сўзлари билан бошланади.

Бундан ташқари романнинг Исмоилбек Гаспринский нашр қилган нусхаси ҳам мавжуд.

Эътибор берилса, таржима нашрларининг ҳажми, ички қурилиши, бошланиши, баъзи маълумотлари ва, ҳатто, айрим жой номларига кўра ўзаро фарқ қилади. Аммо улардаги «эркинлик»дан қатъий назар асосий сюжет чизигида Робинзо Крузонинг бошидан кечирган воқеалар силсиласи ётади.

Фозилбек Отабек ўғли романнинг қайси тилдаги нусхасидан фойдаланганини ҳам, асар муаллифининг номини ҳам очиқ ёзган эмас. Фозилбек Отабек ўғли Русияда ўқиган, рус тилини яхши билган. «Муқаддима»да романнинг «барча фаранг тиллари» — Европа тилларига ўгирилганини таъкидлайди, лекин русча таржимасини алоҳида тилга олмайди. Гарчанд юқоридаги таққос ва маълумотлар таянилган асос нусха борасида аниқ бир ечим-хулосага имкон бермаётган бўлса ҳам, Фозилбек Отабек ўғли юқорида саналаган туркий таржималардан (биргина озарбайжончага таянгани тугал исботини топган эмас), шунингдек, ўз вақтида Л.Толстой нашрга тайёрлаб бостирган рус тилидаги нусхасидан фойдаланган бўлиши мумкин. Бу тахмин. Кейинги тадқиқотларда бундай ўта мужмал фикр далиллар асосида ё тасдиқланади ё инкор этилади.

Нима бўлганда ҳам, «Робинзон Крузо»нинг илк таржимаси ва таржимоннинг эзгу амали бу — тарихий манба ва факт.

Энди бевосита ана шу 1911 йилги таржиманинг айрим хусусиятлари тўғрисида икки оғиз сўз.

Биринчидан, таржимон романнинг сюжет чизигини тўла сақлаган ҳолда асар матнига жуда эркин ёндашади, маъно, мазмун таржимасини XX аср аввалига хос ўзбек адабий тилида беради.

Иккинчидан, таржимада давр адабий тилининг ўзига хос хусусиятлари акс этган. Кўпгина сўзларнинг икки хилда ёзиш ҳолатлари учрайди. Айрим ўринларда тушум келишиги — (-ни) ўрнига қаратқич келишиги (-нинг) қўшимчасини қўлланади; жўналиш келишиги «-га», чиқиш келишик қўшимчаси «-дин» тарзида ёзилади. Баъзи ўринларда бугунги орфография қоидаларидан фарқли ўлароқ «п» ўрнига «ф» товуши ва аксинча ёзилади («ҳамгаф», «фўртана», «туфроқиға»). Таржима матнида тилга хос сингормонизм ҳодисаси мавжуд.

Учинчидан, энг асосий жиҳатларидан бири шарқ кишиси, мусулмон бир одамнинг нуқтаи назари таржимада аниқ кўзга ташланади. Матннинг аксар ўринларида «Иншааллоҳ», «Худо насиб қилса», «Аллоҳ таолога шуукрлар қилар эдим», «Худой таборак ва таолога ҳамд ва сано айтар эдим», «қибла тарафига бордим», «кеч пешин вақтида» каби таъбирлар ишлатилади.

Тўртинчидан, воқелик баёнида ички динамика учун «ва», «баъда» ёрдамчи сўзлар жуда кўп ишлатилади.

Мазкур таржимага, таржимон хизматиға баҳо лозим бўлса, айтиш мумкинки, XX асрнинг аввалида ўзбек миллатини жаҳон адабиётининг гўзал бир ибратнома асари мазмуни билан таништирилишининг ўзи улкан жасорат эди. Зеро, романда ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг айтганини албатта бажариш, агар ота-она насиҳатларига бепарво бўлинса, ҳаётда фожиавий ҳолатларга, ҳалокатга учраш мумкинлиги борасида шарқона одобахлоқ мезонларининг тасвирлари ҳам мавжудки, бу омил Фозилбек Отабек ўғлига илҳом берган бўлса ажаб эмас. Романи таржимон «Рўбунзон ҳикояси» деб номлайди.

Роман аввалида, асосий воқеалар бошланишидаги бош қаҳрамоннинг қуйидаги эътирофлари маърифатпарвар жадидлар эътиборини тортгани аниқ: «Онам бечора бир бурчакда ўтириб отамга қўшилиб баъзи насиҳатларни қилар эди ва гоҳи қўлини кўзига тутиб бўкириб йиғлар эрди». «Ва мен бўлсам эрта бирлан туриб чой ичиб, кейин китобларимни кўтариб отам ва онам олдидан мактабга кетар эдим ва кўчага чиққанимдин кейин тўғри денгиз бўйи-

га бориб ҳар тарафлардан ва ҳар шаҳарлардан келган параходларни ва ҳар хил узоқ шаҳарлардан олиб келган молларни кўриб, эртадан то мактабдан озод бўладирган вақтгача денгизни бўйида ҳар тариқа хаёл ва ҳаваслар қилиб ўлтирардим. Сўнгра озод вақтида китоб қўлтиқлаб отам ва онам олдига салом бериб кириб келар эдим». Боланинг кўзбўямачилиги, ота-онасининг ризолигига бифарқ қараши хайрли оқибатларга олиб келмайди. Асарда айнан шу каби қирраларнинг бўртиб тургани, тарбияга урғу берилиши ва инобатга олиниши «Робинзон ҳикояси»нинг фазилятларидан бири саналади.

Табиийки, фильмсуяр ёшлар шу роман асосида сувратга олинган иккита киноталқинни аллақачон томоша қилган бўлишса керак. Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Робинзон Крузо» романининг мутолааси завқи ўзгача, бутунлай бошқа бир олам. Бу файзли оламни ҳар қандай яхши китобни ўқиш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзи тасавурида яратиб олади. ушбу «Робинзон ҳикояси» сизга озгина маънавий озуқа беришини, улкан ва жиддий китоблар ўқишга рағбат уйғотишини ўйлаб, асарнинг XX аср бошидаги асл таржима тилини бугунги кунимизга мослаб Сиз азизларга тақдим қилаётирмиз. Ўқиш ва баҳолаш — сизга ҳавола. Маъқул келса, асарга меҳнати сингган барчани дуода ёд қиласиз, деган умиддаман.

**Баҳодир КАРИМ**



## РОБИНЗОН ҲИКОЯСИ

Робинзон деган бир англиз ўз номидан ҳикоя қилиб айтадики, менинг асл ватаним Англия ҳисобланади. Англия мамлакати денгиз чегарасида бўлиб, ушбу шаҳримда ўн саккиз ёшимгача турдим. Бу Англия денгизларида ниҳоятда ажойиб параходлар бор эди. Ўша параходлар сувнинг у четидан бу четига чақмоқдек ўтиб турарди. Мен бўлсам, ҳар вақт ўша ерда яшиндек юрган параходларнинг олдига келиб, шу параходларга тушиб сайр қилишга жуда ҳавасланиб, ўйлаб юрар эдим. Аммо туғилган шаҳримдан жануб ва шарқ тарафларида баъзи ҳайвонлардек пул ва моллар қадрини билмайдиган одамлар бор эмиш, яна баъзи бир тийин ва ё икки тийинлик нарсаларга ёки бирор асбоб, чунончи пиёла, эски қошиқ, эски чойнакларни олиб бориб, бир неча олтин ва кумушларга алиштириб келса бўлар эмиш, деб эшитган эдим. Мен ҳам шу ишларни қилсам, тез фурсатда бой ва катта савдогар бўлиб кетар эдим, деб орзулар қилардим. Ушбу сўзларни битта эмас, балки бир неча одамдан эшитиб, ўша ярамас молларни олгач, тезда бойиб кетишга кўзим етган ва параход билан сайр қилишга ғоятда ошиқ бўлган эдим. Яна ушбу хил сафарлар ва саёҳатларга ошиқ бўлганимни онам бечора сезиб қолиб, денгизда сафар қилиб, айрим сарсон бўлган ва мушкул ишларга қолган одамлар ҳамда савдогарлар тўғрисида гапириб, мен бечорага ушбу бемаъни хаёлларни қилмагин, дер эди. Мен бўлсам асло онамнинг сўзига қулоқ солмасдан, ҳамма вақт орзу-ҳавас, фикру хаёл билан юрар эдим. Сўзига қулоқ солмасдан ҳавасим кучайганидан онам ҳам хабар топиб, менга қараб шундай дер эди: «Эй ўғлим, сен бизлар билладиган ишлардан ўндан бир ҳиссасини ҳам билмайсан ва сендек узоқ сафарларни ҳавас қилиб, бегона дёрда мушкул аҳволга қолган, нақадар қазолар тўғри келганларни кўп кўриб ва ҳам фаҳмлаб билганмиз. Сен ҳам ўша одамлардек заҳматлар тортишни хоҳлайсанми?». Менга шунга ўхшаш баъзи насиҳатларни берар эдилар. Онам бечора бир бурчакда ўтириб отамга қўшилиб, баъ-

зан маслаҳат қилар ва гоҳида қўлини кўзига тутиб бўкириб йиғлар эди. Яна дер эдиларки: «Бу хаёли фосидларни қилмасдан, мактабларда ўқиб бир касб эгаси бўлиб, подшоҳликдан кўп-кўп ақчалар олиб, бизлар билан роҳатланиб ўтиргин; Худойи таоло ва таборакнинг неъматларига шуқр қилгин», деган бир неча сўзларни айтар, мени сафардан тондиришга ҳаркат қилар эди. Шу билан бирга, баъзи диёри гурбатнинг мушкулликларидан насиҳатлар қилиб, охири иккови бирдан бўкиришиб йиғлар эди. Кўп вақт ушбу тариқа умр ўтказдим. Сўнгра менинг сафардан ҳавасим қолмаганидан отам яна хабардор бўлиб дедики: «Эй ўғлим, хотиржам бўлиб, ушбу хаёли фасодларни ташлагил, мен сени ҳеч бир вақт денгиз саёҳатларига юбормайман. Бунинг учун ақча керак бўлса, бермайман ва ушбу хомхаёллик билан юрганинг сенга ҳеч фойда қилмайди. Сен ўйлаб юрган ишларинг девоналикдан бошқа ҳеч бир нарса эмас. Билдимки, сен мактабда ўқиш ва мулло бўлишдан қочиб, ўша саёҳат ниятида юрган экансан. Агар сенинг хаёлингда одам бўлиш йўқ экан, оқибатда ҳайвондек бир нарса бўлиб қоласан», деб қўлига қамчи ва катта калтакларни олиб қувар эди. Мен бўлсам, отамнинг олдига тушиб қочар эдим. Ушбу ишларни онам бечора заиф бир-бир эшитиб ва фаҳмлаб қўлини кўзига тутиб йиғлаб ўтирар эди. Яна икки-уч кундан кейин мактабга олиб бориб топширар эди. Мен эса, эрта билан туриб чой ичиб, кейин китобларимни кўтариб, отам ва онам олдидан мактабга кетар эдим ва кўчага чиққанимдан кейин тўғри денгиз бўйига бориб, ҳар тарафлардан ва ҳар шаҳарлардан келган параходларни, ҳар хил узоқ шаҳарлардан олиб келган молларни кўриб, эртадан то мактабдан озод бўладиган вақтгача ўша денгиз бўйида ҳар хил хаёлу ҳавасларни қилиб ўтирардим. Кейин озод вақтида китобни қўлтиқлаб отам ва онам олдига салом бериб кириб келар эдим. Яна отам йўқ вақтида онамга ёлвориб: «Отамга айтинг, менга сафар жавобини берсин ва баъзи оладиган нарсаларим учун етадиган пул берсин», дер эдим. Онам бечора турли-турли насиҳатларни қилиб яна йиғлар эди.

Иттифоқо, бир кун отам менинг ҳануз сафардан ҳавасим қолмаганини фаҳм қилиб дедики: «Эй ўғлим, сен ҳануз ўша сафарни орзу-ҳавас қилишдан қолмаган экансан. Бизлар қанча насиҳатлар бердик, асло қулоғингга олмабсан. Яна агар бирор марта сафар тўғрисида сўзласанг, сени ўғлим деб ҳисобламайман. Ҳайда, чиқ», деб камчи билан уриб қувлади. Мен бўлсам йиғлаб кўчага қочиб чиқиб кетдим. Онам ушбу вақтда йиғлаб турган эди. Ўша ҳолда кўзидан ёшини оқизиб: «Сафар ҳавасини кўнглингдан чиқаргин, ушбу ёмон ишларга қолмагин», дер эди. Сўнгра ота-онадан рухсат ва ёрдам бўлмаслигини аниқ билиб, шунингдек, мақсадимдан қайтолмасдан юрганымда, иттифоқо, ҳаммақтабларимдан, яъни шерикларимдан бири отасининг параходи Амриқонинг Марокко деган томонига боришидан хабар берди. Дарҳол ушбу параход билан ота-онамдан берухсат қочиб сафарга чиқишни кўнглимга тугиб, ҳалиги ҳаммақтаб биродаримга ҳолимни бир-бир баён қилдим. У биродарим кемага мени солиб юбормоқчи бўлди. Лекин: «Эрта эмас, индинига жўнайди. Мен сени отамга айтиб бирор хизматчи қаторида қилиб, кемага бепул солиб юборай», деди. Ҳамон шошилиб икки кўзим кунни юришида бўлиб, қачон жўнар вақт келар экан, деб вақтим кун санаш билан ўтди. Бисотимда сақлаб юрган беш-тўрт сўм пулим бор эди. Дарҳол ушбу пулга баъзи майда-арзимас нарсалар сотиб олдим. Чунончи, эшакмунчоқ, қора мунчоқ, игнадони фаранг (игна солинадиган қути — Б.К.) каби нарсаларни бир сандиққа жойлаб тайёр қилдим. Жануби-шимолий Африқо ёки Амриқога олиб бориб, ҳовуч-ҳовуч олтину кумушларга олиштириб келадиган нарсаларим — молларим ана шулар эди. Лекин ёнимда бирор тийин ҳам қолмаганди. Шунинг учун кечқурун отам ва онам олдига ҳеч нима кўрмаган киши бўлиб, гаплашиб ўтириб вақт қоронғироқ бўлганда уйимдан чиқиб гўғри сандиқни кўтариб ўша ҳаммақтаб биродарим уйига бордим. У биродарим отасидан жавоб олиб қўйган экан. Дарҳол шошилиб сандиқни кўтариб, тезда чопиб параходга келдим. Биродарим мен билан бирга келди. Мени

капитан афандига, яъни кемачига таништириб, ўзи хай-лашиб қайтиб кетди. Мен кеманинг бир четига кириб сандиқни бошимга қўйиб бекиниб ётдим. Тонг отгач, мени капитан афанди чақириб кўмир ташимоқ хизматига қўйди. Кейин мендан ҳеч вақт пул сўрамайдиган бўлдилар. Ўша 1650 йили мен ўн саккиз ёшда эдим.

Кеманинг занжирини тортдилар ва кема бўкириб бирдан денгиз тарафга бурилиб йўлга тушди. Юргандан кейин мен кемани ичида туриб, текин параход билан ҳар жойга бориб саёҳатлар қилиб, қоп-қоп тилла ва кумушларни жам қилиб келарман, деб жуда хурсанд бўлиб кетар эдим. Тушиб жўнаганим ушбу параход эди.

Параход билан кечгача юрдик, ярим кечаси шамол бўлди. Бора-бора шамол қуввати кучайиб, денгиз тўлқинланиб сувлар кўпира бошлади. Кемага катта тўлқинлар урилиб, кема чайқалиб кўп бесаранжом бўлгандан кейин ҳолдан кетиб кеманинг бир четига ётиб олдим. Денгизда тўлқин тобора кучайгани учун кўнглим озиб, бошим оғриб касал бўлиб қолдим. Шу маҳал қулоғимга келган овоздан кема раисининг шиддатли буйруқ берганини билиб ҳолимиз мушкулга ўхшайди, деб сафарга чиққанимга жуда пушаймонлар қилдим. Ушбу ҳолда капитан афанди келиб: «Кема мушкул ишга тушиб қолди, сен бу ерда ухлаб ётибсанми?» деб кетимга бир тепиб олдига солиб бориб кўмирхонага тиқиб қўйди. Касал ҳолимда қаттиқ калтак едим. Ўз қилмишимдан кўп пушаймонлар этдим. Яна шаҳримда ота-онам олдида тинч юрганим эсимга тушиб, жуда қаттиқ хафа бўлиб охири бўкириб йиғладим. Аммо ҳеч нарса фойда бермади. Икки кеча-кундуз шу вазият давом этди. Кеманинг баъзи асбоблари сувга тушиб кетди. Учунчи кун бир тарафдан ўша денгизнинг ўн беш чақирим еридан Испания чегараси кўринди. Аммо чегара кўриниб турса ҳам, ёмон тошлик ерлар экан. Кемани тағи бир катта тошга тегиб, ичига сув кира бошлади. Ҳамон кемага иккита қайиқ осиб қўйган эканлар, қайиқларни ечиб ичига ҳаммамиз тушиб кемадан ўттиз-қирқ аршин юрган эдик, тўлқин қайиқни бошқа тарафга суриб, кемадан нариги тарафга

ўша кўриниб турган чегаранинг шарқ тарафига бориб қолди. Лекин Испания чегараси кўриниб турарди. Аммо қайиқда одам кўплик қилиб шамолнинг қуввати билан қайиқ ағдарилиб кетармикин ва ё сувга тушиб кетармикин, деган хаёлда кўрқа-кўрқа чегарага етишдик. У чегарага чиққанда мени ота-онадан берухсат чиққанганимни кема бошлиғи фаҳмлаб кўп сиёсатлар қилди. У дедики: «Сенинг гуноҳинг ва қусуринг сабабли кема фарқ бўлди. Одамлар оз қолдик ва кўпчилик нобуд бўлди. Сал бўлмаса, биз ҳам фарқ бўлар эдик. Энди сен Англияга борадиган бир кемачига ёлланиб, шаҳрингга қайтиб кет», деб қўлига бир парча тошни олиб қувлади. «Испанияда молсиз, бир пулсиз ва яна ҳеч тил билмасдан энди нима қиларман?» деб бўкириб йиғладим. Ҳамдлар бўлсин Худобаки, ушбу Испанияда бир инглизга инглиз тилида ҳолатимни тушунтирдим. У ҳам иттифоқо кемачи экан, у ҳам менинг сафарчи эканимни фаҳмлаб кемасига хизматкор қилиб олди. Шу тарзда яна сафарга майл қилиб, уч кундан сўнг жанубий Амриқо қитъасидаги Бразилия шаҳрига йўл тутдик. Кема ичида ўн беш нафар ишчи ва мен билан санаганда ўн олти хизматкор бўлиб, элликта муҳожир бор эди. Яна бир қанча йўловчилар ҳам бор. Уларнинг ашёси ва моллари ҳам кўп эди. Испаниядан жўнагандан кейин икки ҳафта давомида тинчу осойишталик билан сув ва осмондан бошқа ҳеч нарсани кўрмасдан сузиб кетдик. Ушбу икки ҳафта ичида кемачилардан анча хабарларни — чунончи денгизларнинг ўртасида катта орол ерлар борлигини ва жанубий Амриқода ёввойи одамлар кўп бўлишини ва яна Овруподан ҳам қанча низомлик моҳир одамлар бор эканини эшитдим. Амриқо тўғрисида ҳам бир қанча хабарлар айтилди. Яна баҳри муҳитнинг баъзи ерларида катта тўқайлар, тўқайларда ваҳший одамлар бўлиб, у ваҳшийлар одам гўштини ейди, деган сўзларидан ҳайратга тушиб бораётган эдим. Улар бир-бирлари билан ғавғо қилишиб асир бўлганларини сўйиб, қўй гўштидек пишириб ер эмиш. «Эй бор Худоё, булар қандай халқдирлар ва яна ўзлари дину мазҳабсиз ва низомсиз ҳайвондек тоғу тошларда балиқ тутиб еб

ёки бир-бирлари гўштарини еб, овқат қилиб юрар эмишлар ва буларни номи ём-ём эмиш деб, Худойи таоло ва таборакага ўзинг буларни ушбу йўлга солиб қўйгандирсан ва яна ўзинг буларга, яъни ём-ёмларга тавфиқ ато қилгайсан», деб жуда таажжубланиб борардим. Аммо сафаримизнинг ўн олтинчи кунини ҳаво ўзгариб шамол туриб денгиз оз-оз тўлқинлана бошлади. Бу ерда қирлар ёки тўқайлар ёки катта тошлар борлигини кема хизматчилари билар экан. Бири дарҳол кемани устига чиқиб атрофга қараб турди. Балки, бўрон бўлар, фикри билан ҳар ким ўз ашёларини маҳкам қилиб, денгизга тушмасин, деб бойлаб қўйдилар. Кечаси бирдан бўрон кучайиб, денгиз тўлқинлана бошлади. Денгиз тўлқини жуда кучайиб кетди; кемани мувозанатда сақлашнинг ҳеч иложи бўлмади. Қўрқиш ва сано билан тонг оттирдик. Лекин бўрон асло тўхтамас эди. Бир пайт кема устида қараб турган хизматкорнинг : «Тош бор, тош бор», деган овози келиб қолди. Шунда ҳаммамизнинг ярим жонимиз кетиб, Аллоҳ таолога дуо ва санолар қила бошладик. Кема шиддат билан келиб тошга тегиб, унинг бир учи тошга илиниб қолди. Бир тарафи сув ичига чўкиб кетди. Кемага боғлиқ учта қайиқни ечиб, ҳаммамиз ўша қайиқларга тушдик. Аммо нима фойда? Қайиқ билан Бразилияга етиб бўлмайди. У ҳолда қайиқ билан юз газ, икки юз газ юрганда тамоман қайиқ ҳам сувга ботди. Ҳаммамиз сув қаърига кириб кетдик. Аммо Ҳақ таолонинг инояти билан оёғим бир тошга ёки бирор нарсага урилди. Урилган замон камоли қувват билан тепага қараб ирғиб, сув устига чиқдим. Дарҳол бир бўлак тахтага осилиб олдим. Қаттиқ қўрққанимдан ўша тахтани шундай ушлаб қолдимки, гўёки тахта мени ушлаб қолгандек гумон қилдим. Тахтага ёпишиб тўлқинлар билан у ёқдан-бу ёққа сурилар эдим, бир яқин ерда катта тош кўринди. Мазкур катта тошга етиш учун интилиб, сурилиб ҳамд бўлсин Худойи таоло ва табораккаки, ўша тошга келиб осилиб устига чиқиб олдим. Лекин ҳануз тўлқиннинг суви кўпириб келиб менинг устимга тушиб турибди. Саломат бўлсам ҳам, ўша тош тепасида қаттиқ қўрққанимдан

хушимдан кетиб қолибман. Бир замондан кейин кўзимни очиб қарасам, шамол тўхтабди ва қорним ҳам ниҳоятда очибди. Лекин ҳануз дарёда тўлқиннинг асари бўлса ҳам ушбу ўзим ўлтирган тошни атрофлари бамисол кўлдек тинч эди. Дунёнинг тўрт тарафига қарадим. Ўзим турган тошдан икки юз қулоч ерда бир катта тўқайлик орол чегараси кўринди. Тўнларимни орқамга бойлаб у ердан оҳиста-оҳиста сузиб, ўша тўқайлик жойга чиқдим ва: «Ажабо, бу қандай ер экан?» Тўқай атрофларига назар ташладим: бўм-бўш — ҳеч ким йўқ. Тўқайда егани таом йўқ ва ичгани сув йўқ, деган фикр билан ўз аҳволимга қарадим: устимдаги тўним ва қўлимда ёғочдан бошқа ҳеч нарса йўқ. «Ажабо, қандай ҳолга қолдим? Ўнгимми ёки тушимда кўрдимми?» деб ҳарчанд кўзимни очиб юмар эдим. Эътибор берсам, тушиммас, балки ўнгим экан. Кейин: «Эй бор Худоё, қандай ишларга қолдим?!» деб ўз шаҳрим ва ота-онамни ёд этиб, бўкириб йиғладим. Яна бўкириб йиғлаганимдан ўзим кўрқиб, Худой таоло ва таборакдан шикоят қилган бўлмасин, деб ва яна қанча одамлар ўлиб танҳо мен ўзим ўлмай қолганимга шуқур қилиб, бир оз дилимга таскин бердим. Қоронғи бўлди. Нима қилмоқ керак? Ерда ётсам, балки ёмон ҳайвонлар келиб еб кетиши мумкин. Катта бир дарахт устига чиқиб, улкан шохига миниб тонг оттирдим. Дарахт устида кўркув ва очликдан то саҳаргача асло кўзимга уйқу келмади. Лекин кўз кўрар-кўрмас бўлиб эди, дарҳол дарахтдан тушиб ҳеч бўлмаса, сув топиб ичай деб қўлимга катта бир калтакни олиб сув истаб дарё бўйига келдим. Кўрдимки, ғарқ бўлган кема тошга илашиб ҳануз гурибди. Агар шу кемага борсам, ундан емак ва ичмак учун кўп нарсалар топишимни фаҳмлаб дарҳол ўзимни сувга ташладим. Оҳиста-оҳиста сузиб, кемага келдим. Кеманинг бир тарафи сувга ботиб, иккинчи тарафи тошга илиниб турибди. Лекин хавfli жойи йўқ. Чунки бир тарафи тошга жуда қаттиқ санчилиб қолган эди. Филҳол бир ип учини кўриб унга чирмашиб чиқдим. Кема ичига киргандан кейин кўрдимки, менга ўхшаган оч ва ўзи танҳо қолган битта кўлпак итдан бўлак ҳеч жонзот йўқ

эди. У ит бечора мени кўргандан кейин жуда хурсанд бўлганини фаҳмладим. Чунки қуйруқларини қимирлатиб ва оғизларини очиб, менга муте бўлиб кўринди. Ит ёнидан ўтиб ошхонага кирдим. Худога шукурки, ўша ошхонада бир қозонда пишириб қўйилган гўшт бор экан. Гўшздан еб тўйиб, сўнг ёлғиз-оч қолган итга ҳам бердим. Кейин сувхонасига кириб сув ичиб, Худога шукурлар қилиб, ҳар ҳолда жонландим. Кеманинг сув устида турган жойларидаги уйларини айланиб томоша қилдим; ёлғизликда менга зарур бўладиган нарсалар кўп экан. Уларнинг ҳаммасини тўпладим. Аммо бу нарсаларни қуруққа олиб чиқишга қайиқ йўқлиги учун кема ичидаги баъзи тахталардан сол ясашга ҳаракат қилдим. Ёғоч етмай қолган жойларига кемадан ёриб олиб, солни тайёр қилдим. Солга, энг аввал, жуда зарур нарсаларни солдим. Чунончи ёзиш учун қоғоз, қалам, сиёҳ; киймоқ учун кийимлар ва яна тўрт милтиқ, учта тўппонча, иккита қилич ва бир қоп ун, гурунч, туз ва яна итни олиб солга солдим. Аллоҳ таоло бу нарсаларни менинг учун сақлаганига жуда хурсанд бўлиб, унга ҳамдлар айтиб, заҳматларга қарамасдан, кечкурун оҳиста оқизиб-оқизиб солни тўқайга олиб келдим. Дарҳол ичидаги нарсаларни чиқариб, бир муносиб ерга тўпладим. Аммо шу кечани ҳам яна дарахт устида ўтказдим. Лекин бутоқларига тахта қўйган эдим. Йиқилишдан эмин бўлиб анча ухладим. Эрта билан яна қарасам, кема турибди. Аммо бир-икки кундан кейин тамом ботиб кетиши аниқ. Дарҳол вақтни фанимат билиб, солни олиб кема тарафга бордим. Агар келмасам, ичидаги кўп нарса тамом ботиб кетар эди. Не машаққатлар билан кемага яқинлашдим. Сўнг, кемага чиқиб, ичидаги баъзи денгиз учун зарур нарсаларни тўпладим, чунончи, дурбин, сумка, шапка, болта, пичоқ, теша, иккита катта сандиқдаги ўқларни олиб солга солдим. Яна кемага чиқиб, пул хазинасига кирдим. Пул хазинаси кема сувининг тепасида эди. Хазина учта катта сандиқда эди. Сандиқлар жуда мустаҳкам ясалган ҳамда занжирлар билан маҳкамланган экан. Уларнинг оғзини базўр очдим. Сандиқ ичи олтин ва кумуш ақча-



лар билан тўла экан. Уларни қисмлаб, солга олиб ташладим. Кейин бир-икки қадоқ шакар, қанд ва беш-тўрт қадоқ чой тўладим. Уларни ҳам сол билан бурунги кундек саломат қирғоққа олиб чиқардим. Емоқ, киймоқ ва ўзимни муҳофаза қилиш учун милтиқ, болта ва ханжар каби нарсалар борлигига ниҳоятда хурсанд эдим. Аммо на фойда? Ҳар дам отам ва онам ёдимга тушиб, бўкириб-бўкириб йиғлар эдим. Яна баъзи афсона сўзларни ўзимга ўзим сўзлаб кулар эдим. Худога шукурки, ўн кун давомида дарахт устига чиқиб роҳатландим. Лекин ашё кўп бўлгани билан ёлғизлигим, тўқайда бўлганим ва балки маҳшаргача одам ўғлини кўролмаслигимни фикр қилиб йиғлар эдим. Ота ва она йўқ, ёр-дўст йўқ. Ашени нима қиламан? Яна бошимга нималар келади? Бундай хилват тўқайларда одамхўр ём-ёмлар бўлса, ажаб эмас, деб ниҳоятда кўрқардим. Ҳар ҳолда ўзимни Худога омонат қилиб уйқуга кетдим. Кечаси ярим тунда якбора шамол бўлиб, ҳаволар гулдираб жуда қаттиқ ёмғир ёғди. Устимга ёпиш учун ҳеч нарса йўқ. Дарҳол либосларимни ечиб, яланғоч бўлиб ўтирдим. Денгизда бошқатдан тўлқинлар кучайиб, анча-мунча қаттиқ ҳодисалар бўлди. Саҳар вақтида тинчланди. Тонг саҳар ғира-шира маҳали дарахтдан тушиб, денгизга қарасам кема кўринмайди. Билдимки, бу кеча кема батамом парчаланиб сувга ботиб кетибди. Аслида кема менга бир йўлдошдек бўлиб қолган эди. Яна ёлғизланиб қолганим учун ўкраб-ўкраб йиғладим. Сўнг ёнимдаги итга қараб: «Сендан бошқа бир йўлдош бўлгудек нарса қолмабди», дедим. Унга ҳам уч-тўрт парча гўшт ташладим. Бечора ит гўштлирларни еб, қуйруқларини қимирлатиб, гўё менга раҳмат айтгандек бўлди. Юртим ва маконим шу ер бўлгандан кейин бу масканининг қандай ер эканини билишим керак эди. Кўлимга милтиқ олиб, ёнимга ханжар осиб ва итни изимга солиб, кашфу сайрона чиқдим. Тўқайда бир баланд тоғ бор эди. Ушбу тоғқа чиқиб атрофни кўрмоқчи бўлдим. Англадимки, турган жойим денгизнинг ўртасида экан. Шунга ўхшаб ҳамма атрофи сув ва яна турган жойимнинг кенглиги — у четидан бу четгача — ун-ун бени

чақиримлик ер экан. Дурбинлар билан уларга қарадим. Ҳеч бир инсон зоти кўринмайди. На инсон бор ва на юрт бор. Эй Аллоҳ, бу қандай иш деб йиғладим ва билдимки, бўш ҳоли бир ер экан. Ўша оролнинг баъзи тарафи тўқайлик, баъзи тарафи боғлик ва пичанлик ер экан. Эҳтимол, ўша боғлик ерларда қушларнинг уялари ва ҳар хил емиш мевалар бордир. Шу гумон билан тоғдан пас-тга тушдим. Ўша кун то кечқурунгача айланиб боғлик ерга келдим. Бу ерда ҳар хил мевалар бор экан. Яна така, тўти ва кабутарга ўхшаш нарсалар ҳам бор экан. Бошқа ёввойи-вахший одамларнинг ҳеч асарини билмадим. Бунинг учун ниҳоят суюниб ва яна ҳар турли қушлар бор эканини қиёс қилдим. Лекин ҳарчанд ўзимни хурсандликка солсам ҳам, ёлғизлигим — отам ва онам йўқлиги ҳамда ушбу ерда қиёматгача қолишим ёдимга тушиб, гоҳ-гоҳи бўкириб йиғлар эдим. Қачонгача дарахт устида ётиб юраман? Юртим шу бўлгандан кейин ашё, мол, пул, милтиқ, тўппонча, болта, теша каби нарсаларни қўйиш учун бир жой қилишни ўйладим. Тоққа чиққан вақтимда кўрган эдимки, тоғни ярмида беш-ўн аршинлик текис жой бор эди. Ўша ерда уй қуриш учун ашёларни ўша ерга ташидим. Яна махсус хона қилиш ҳаракати-га тушдим. Аммо ўша тоғнинг шарқ тарафида бир катта ўнгур кўриб, ўша ўнгур ичини тахта билан учга бўлдим. Бир бўлагини ашё билан тўлдирдим. Бир бўлагини оштаом пиширмақ учун қўйдим ва яна бир бўлагини китоб, қоғоз қўядирган жой қилдим. Ўша ўнгур оғзига бир катта ёғочдан эшик ясаб осдим. Лекин бу ўнгур ичига ашёларни қўймасдан аввал ичига баъзи кам-кўст нарсаларни тайёр қилиб, чунончи, токча, обрез бино қилиб, кейин нарсаларни қўйиб, баъзи ҳаводан ва душмандан муҳофаза қилиб, ўша ҳовлимни олдидаги ғадир-будур тошларни секин-секин тарашлаб ўн-ўн беш газлик сахна пайдо қилдим. Яна ўша пайдо қилган сахналаримга тошдан ниҳоятда маҳкам деворлар қурдим. Деворлар маҳкам бўлиши учун ҳар тарафларидан қозиқлар қоқиб чиқдим. Ўша жой деворларини ҳар бир еридан душман келган вақтида милтиқлар оғзини тиқиб отиш учун те-

шиклар қўйдим. Гўёки бир яхши иморат бино қилдим, валҳосил, ҳовлим оролнинг энг баланд ерида бўлгани учун ҳар тарафларни кўрар эдим. Денгизнинг ҳам узоқ ерлари кўринар эди. Худо насиб қилса, узоқдан кемачилар келса, албатта бу ерни кўриб одам бор гумон қилармикан, деган умид билан баландга иморат қурган эдим. Яна ўткинчи кема бўлса, кўриб зора мени олиб кетар деб кечалари ҳовлимнинг ташқарисига ўт ёқиб қўяр эдим; кундузи эса узун ёғоч учига катта латтадан байроқ қадаб қўйдим. Баъзида ёмон ҳайвонлар бўлса, овозини эшитиб қочсинлар, деб милтиқни ўқлаб зарурат бўлмаса ҳам отардим. Балки ушбу аломатлардан ўткинчи кема мени билиб қолиб, ушбу очиқ зиндондан халос қилармикан, деб ҳам умид қилардим. Бундай тадбирларни қилгач, жаноби Ҳақга орқа бериб айтардимки, шу зиндоннинг асири ёки шу оролни подшоси бўлдим деб. Кунларни кеч қилиш учун битта дафтар тутиб, кеманинг ботганидан ҳисоблаб ҳар кунги ҳодисаларни ёзиб юрдим.

Мелодий 1650 йили март ойининг ўттизинчи куни эди. Бу тарафлар экватор чизигига яқин бўлгани учун ҳаво иссиқ — ёз фаслининг бошларидек эди. Шундоғ ерларга келиб қолиб уйлар бино қуриб ва яна кунларни кеч қилиш учун ҳам ушбу хотира ёзиш одатини топдим. Яна ушбу ашёларимни маҳкам қилиб қўйиб, кунларни хотиржам кечиктириш учун анча ишлар билан машғул бўлдим. Чунончи эрта билан туриб, юз-қўлларимни ювиб, сўнг таом еб, милтиқ ва ханжарларимни олиб ов овлашга чиқиб кетардим. Кейин кеч пешин бўлганда уйимга келиб ўт ёқиб, баъзи таомларни пишириб ер эдим. Асл муддао таом учун эмас, балки узоқдан зора кемачилар келиб, улар ушбу ердаги оловни кўриб одам бор эканидан хабардор бўлиб, шояд мени топиб олсалар муддаосида эдим. Ўзим уй ичида шам ёки лампа бўлмагани учун қоронғида қолиб кўзларимдан ёшлар чиқариб ўтирар эдим. Қоронғилик учун шам ёки чироқ тайёрлаш учун ушбу оролда юрган такалардан отиб олиб, унинг ёғидан чироқ ясаш йўлини топдим. Инсон ожиз қолса, фикрлаб-фикрлаб кўп нарсалар қилиши мумкин бўлар

экан. Менинг бошимга келган ишлардан анча ибратлар олсалар бўлади. Мен денгиз ўртасидаги бир оролнинг подшоҳи бўлдим ва юртим атрофларини билмак учун ҳар кун қўлимга милтиқ олиб, мазкур оролнинг ҳар тарафига борар эдим. Орқамда милтиғим ва белимда қиличим, ёнимда итим кун бўйи айланиб юрар эдим. Тўқайда баъзи жониворлар ҳам кўп эди. Буларни уяларидан болаларини олиб, уларга ўзимча ҳар хил сўзлар сўйлардим. Улардан ҳеч жавоб ололмасдан диққат бўлиб, сўйиб ер эдим ва буларнинг гўшти менга кўп лазиз кўринар эди. Бир кун уйимдан чиқиб, анча юрганимдан кейин бир тўқайлик ерда кўп арпани кўрдим. Ушбу арпалар кўл билан сочгандек ўн-ўн беш саржин ерда ўсиб бош тортиб, ярми пишиб ва ярми сарғайиб турар эди. Уларни қўлимга олиб қарадим. Ростданам — арпа. Гарчанд арпани кўриб жиндай хурсанд бўлсам-да, одам йўқлиги сабабидан арпа нима керак, дер эдим. Эҳтимол, бу тўқайда ваҳший одамлар бўлиб, ушбу арпалар уларнинг ишларимикин, деган хаёлда яна мулзам бўлдим. Балки ём-ёмлар ишидир, деб қаттиқ қўрққанымдан ақлим бошимдан кетиб, гоҳи йиғлар эдим.

Сўнг Худонинг қудрати фикримга келиб, ерда файз асари бўлгани ва мен ушбу тўқайга келиб қолганим учун Аллоҳ таоло насиб қилган инояти Раҳмоний эканми, деб Аллоҳ таолога шукурлар қилар эдим. Ушбу ердан хийла узоқроқ бориб, текис ерда шолিপоялик жой ҳам кўрдим. Шолиси пишиб турибди. Булардан бир миқдор олиб қўйиб, келар баҳорга сочиб кўпайтириш ақлимга келди. Воқеан ушбу арпа ва гурунчлардан бир қисмини олиб, уйимда муносиб ерда сақлаб қўйдим. Келадиган баҳорга буларни ер тайёр қилиб сочиб кўпайтиришга қарор бердим. Яна бир кун денгиз бўйида қармоқ солиб ўтириб катта бир балиқ тутиб олдим. Ҳамон ўт ёқиб пишириб едим. Менга ўша балиқ ниҳоятда ширин кўринди. Сўнг қармоқларни кўпайтириб ҳар кун балиқ билан овқат қилиб умримни қанча вақт шу иш билан ўтказдим. Гарчи орол унча катта бўлмаса ҳам, пиёда юрган одамга хийла улкан жой эди. Чунончи эрта билан чиқиб ов ов-

лаб кечкурун уйимга чарчаб келар эдим. Ўша овлаб юрган вақтларимда тўқайлик ер чеккаларида ётиб қолгани кўрқар эдим. Балки ёмон ҳайвон бўлиб кечаси бир зарар етказиш ваҳми ва яна ҳовлимга бирор ёмон нарсалар кириб зиён қилиши мумкин, деб хавфсирардим.. Кеч пешин вақтида уйга келиб ташқарисида туриб, ҳожат бўлмаса ҳам, милтиқни бир-икки марта отар эдим. Чунки баногоҳ уйга бирор нарса кирган бўлса, кўрқиб қочиб чиқишини ўйлардим. Бу ҳолда бир қайиқ бўлса эди, денгиз билан юриб орол теграсини айланиб кўрар эдим. Шу фикр билан ўз ҳолимга қараб бир қайиқ ясамоқчи бўлдим. Болта, тешаларимни кўтариб тўқайдаги етилган бир дарахтни кесдим ва икки бошини суйироқ қилиб ичини ўйдим. Унинг ичига баъзи овқатлардан солиш учун махсус жой тайёрладим. Аммо қайиқни денгизга туширишга кучим етмади. Қайиқ ясалган ердан денгиз хийла узоқ эди. Қайиқ ҳам вазмин-оғир эди. Унинг денгизга сололмай бир-икки кун ўтиб ҳам кетди. Бу ҳолни кўриб яна бир одам бўлса эди, мунча оворалар бўлмас эдим, деб жуда мулзам бўлдим; яна ўкраб йиғладим. Меҳнатларим бекорга кетди, деб ҳайрон бўлиб юриб ёдимга бир иш келди. Ҳамон беш-олти катта ёғочларни бир-икки газ қилиб қирқиб, ўнтасини қатор-қатор кўйиб, унинг устига қайиқни чиқардим. Қайиқнинг бир учидан ип билан бойлаб мазкур ёғочлар тепасига тортиб-тортиб орқасида қолган ёғочларни олдига олиб кўйиб, ушбу хил меҳнату машаққатлар билан қайиқни денгизга тўққиз кунда олиб келиб солдим. Не машаққатлар билан қайиқни денгизга олиб келиб солсам, унинг бир тарафи оғир бўлиб қолган экан, яна қанча меҳнатлар билан қайиқни сувдан тортиб олиб, гўёки уни бошқадан ясагандек бўлдим. Сўнгра қайта сувга солдим, сувда илгаригидан хийла яхшироқ бўлибди. Иккита курак-эшкак ясаб, қайиқни тажриба учун ҳар тарафга юргизиб кўрдим. Худой таолога шукурлар қилиб, ушбу қайиқ билан ҳар кун ҳар тарафларга бориб келар эдим. Ҳар ҳолда ясаган қайиғим ниҳоятда яхши қайиқ бўлган экан. Бир неча кун шу тариқа умр ўтказдим. Бир кун ейиш учун таом-

лар олиб, бир тарафга секин жўнадим. Чеккадан айрилиб, беш-олти соатлаб юрдим. Тўқайнинг ниҳоят яхши, латиф ерига келиб қолдим. Бу ерни кўриш учун қуруқликка чиқдим. Бир ажойиб тўқайлик ер экан. Ажойиб мевалик, боғлик, озода, ейиш учун турли мевалар бор экан. «Ё Раб, бундай жаннатдек ерни мен учун яратдингми?!», деб ҳамду санолар айтдим. Хурсанд бўлиб ҳар хил гуллардан жам қилиб искаб узоқ айланиб юрдим. Димоғимга ажиб, хушбўй ислар урилди ва яна дарахтзор кўринди. Дарахтзор қандай ер экан, деб бориб кўрдимки, улар лимон, фуртахол, апельсин ёғочлари экан. Бироқ мевалар ҳали пишмаганин кўрдим. Бу нознеъматлар мендан бошқа қирқ одам бўлса ҳам етарлик эди. «Ё Раб, ушбу неъматлар мавжуд бўлгани учун сенга нечук шукрингни бажога келтирмасман», — дедим. Бечора Робинзон бандангни очга ўлтирмас экансан, шунга ўхшаб яна ём-ём қўлига ҳам туширмагил. Ажалдан кўрқмасман, аммо ём-ёмлар қўлига тушиб ҳайвондек сўйилиб, ўтга тушиб хароб бўлиш эҳтимоли бормикин, деб кўзларимга ёшлар келар эди. Ҳақ таоло ўз ҳифзи ҳимоятида сақласин! Омин! Яна нарироқ бориб дарахтларга ўралиб чиқиб пишиб турган узумларни кўрдим. Улардан тўйганча еб бир қанчасини жам қилиб қайиққа солиб, кечқурун уйимга қайтдим. Ҳар куни келиб узумларни қайиққа тўлдириб кетиб бир муносиб ер қилиб, қурииб олишга қарор бердим. Агар бир-икки қоп қурииб олсам, ҳам ошим ва ҳам қандим бўлишини ўйладим. Иккинчи кун шунга биноан эрта саҳардан қайиққа тушиб, мазкур боғчага келдим ва қайиғимга бир қанча узумларни тўлдириб кечқурун уйимга қайтиб келдим. Яна бир муносиб ерни тайёр қилиб, ўша узумларни осиб қурииб олишга бир неча кун овора бўлдим. Узумлар қизариб қурий бошлади. Яна бир кун баъзи саёҳат учун боғлик ерга бордим. Беш-ўнта така, кийиклар тўғри келиб қолди. Булардан бир-иккитасини тутиш мақсадида қувладим. Аммо ушбу такалар умрида овчи ёки инсонни кўрмаганлари сабабли мендан қочишмади. Улардан бир-иккисини тутиб олдим. Бири така эди. Сўнг дарахтларнинг

пўстлоғидан тузоқ қилиб уч-тўрт кийикни тутдим. Ушбу кийикларни ўзимга ўргатиш ва яна жуфтлаштириб болаларини кўпайтирмоқчи эдим. Аммо буларни уйимга олиб кетиш қийин бўлгани учун денгиз бўйига олиб келиб, махсус бир жой ҳозирладим. Кийикларни ўша ерга қўйиб, кечқурун ўзим уйимга келиб ётдим. Ҳар кун эрта билан бориб, кийиклардан хабар олиб турардим. Шу зайлда бир қанча ҳайвонларнинг эгаси ҳам бўлдим. Жуда оз вақт ичида ёввойи ҳайвонлар менга ўрганиб, уй ҳайвонидек қочмайдиган бўлди. Буларни соғиб, сут-қаймоққа бой бўлиб қолдим. Яна бир кун ушбу оролнинг бошқа бир тарафига бордим. Лекин бир чекка ҳам кўри-ниб турар эди. Ўша чеккага бориб кўриш учун тўқайга кирдим. Қўлимда милтиқлар, белимда қиличларим бор. Тўқайга кирдим. Бу ерда ажойиб ёғочлар ва ажойиб набототлар бор экан. Қушлардан бўлса, беш-ўн жинсларини кўрдим. Буларни томоша қилиб юриб бир катта дархтнинг шохида қанотлари қизил, ранги сариғ битта каттароқ қушни кўрдим. Тумшуғи қийғирнинг тумшуғидек эгри эди. Ажойиб қуш экан, деб қараб турдим. Бу қуш тўти эканин билдим. Дарҳол уни тутиш муродига тушдим. «Ушбу тўтини тутиб олсам ва ҳар хил сўзларни ўргатсам, бу ёлғизлик вақтимда менга хийла эрмак бўлар эди», деб ўйладим. Тўқай ҳайвонлари одам кўрмаганликлари учун асло мендан қочмас эди. Ўша тўтини ҳам осонгина ушлаб олиб, дарҳол қафас ясаб, уни ўша қафасга солиб, шудур-будур деган қанча сўзларни ўргата бошладим. Энг аввал: «Вой Робинзон, вой Робинзон, Худога ҳар ҳолда ўзингни омонат қил», — деган сўзлардан таълим бердим. Мен эрта билан чиқиб кетиб, кечқурун келганимда тўти ўша сўзларни бетўхтов айтар эди. У ҳолда мен гўёки, бирор одамдан ушбу сўзларни эшитгандек ёки бирор ҳамроҳ бўлгандек анча тасаллихотир бўлардим. Тўтининг сўзлари менга жуда латиф кўринарди. Тўқайда кўзимга нима яхши кўринса, ўша нарсадан ўзимга қандай фойда келтириши фикрида бирор ой вақт ўтказдим. Қиш келиб, ёзда қуришиб олган узумларимни еб, бутун қишни ўтказдим. Сўнгра эрта баҳордаёқ бир

қанча ерларни қўлимдан келганича текислаб, ўша ёзда олиб қўйган арпаларни сочдим. Агар Худой таоло ушбу арпаларимни ўзи сақласа, келадиган ёзда уруғ униб, пишиб, емак учун нон ҳам кўпайиб қолиши шубҳасиз эди. Ушбу машаққатли меҳнат ва дилхасталик билан неча ёз, неча қишларни ўтказдим. Аммо тўқай ёнидан бирор бир кема ҳам ўтмади. Инсон сўзини ниҳоятда соғинганим учун баъзи сўзларни тўтига сўзлаб ва ундан ўзим ўргатган сўзларни эшитиб, кўнглим хийла тасалли топар эди. Лекин ўша кемадан олиб чиққан тўнлар ва кўйлақлар тамом йиртилиб адо бўлгани учун ёввойи эчкиларнинг терисидан тўн ва шим тикиб кийиб, ўзимни бир ёввойи ҳайвон сувратига киргизиб юрар эдим. Сочсоқол ҳам ўсиб, ярим газ бўлган эди. Бу ҳолимни кўриб гоҳи йиғлар эдим, гоҳи тафаккур қилиб Худой табораку таолога ҳамди ва сано айтар эдим. Вақти келиб, ошга солиш учун кемадан олиб чиққан тузларим тамом бўлди. Уйимда турган қоп-қоп олтинларнинг бир ҳовучига бир ошлик туз топиш имконсиз эканини, тиллаларнинг бир ҳовуч тузга қадри-фойдаси йўқлигини ҳис қилардим. Олтин-кумушларни қуввати ва қадри ҳақиқий бўлмай анча безъятибор бўлганини фаҳмлар эдим. Аммо бу пушаймондан нима фойда? Зеро, олтин қидириб топиб, бойиш фикри билан мени шу ҳолларга солган эди. Афсус-надомат қилиб йиғлар эдим. Бир оз тафаккур ва ўйловдан кейин денгиз сувини қозонга солиб қайнатиб, ундан туз ҳосил қилиш фикрига келдим. Тажрибам муродга мувофиқ бўлди ва бир қанча ёввойи эчкилар, бир қанча машишатлар, емак учун арпа, ош ва нонга солиш учун тузларнинг эгаси бўлдим. Хотиржам тортдим. Аммо ёлғизлик ҳар кун ва ҳар соат жонимни сиқар эди. Икки кўзим денгизда, кема келармикин, деган умидда умр ўтказдим. Кечалари ҳам ўрнимдан туриб, денгизга қараб кемалар йўлини қарар эдим. Бирор кема асарини излар эдим.

Ўтирган жойимнинг ҳар тарафларини айланиб кўрган эдим. Бу ерга ҳеч инсон қадами етмаганини билиб ва яна ём-ёмларни ҳам қадами етмаганига ниҳоят ақлим етган эди. Лекин ушбу оролда яшаётганимнинг ўн сак-



кизинчи йили тамом бўлаётган эди. Эрта баҳор кунлари эди. Оролимнинг қибла тарафига бордим. Ов овлаб юриб, денгиз бўйида кумлик ерда тўқайдан денгиз тарафга тўғри кетган инсон оёғи изини кўрдим. Диққат қилиб қарадим. Дарҳақиқат, инсон оёғининг изи. Ичимда жон асари қолмади — ушбу оролда одам бўлгани ёки келиб кетгани аниқ бўлган эди. Бу излар ҳақиқатан ём-ёмлар изидир. Чунки — яланг оёқнинг изи. Агар фаранг жинсидан бўлса, албатта, оёқларида кийими бўларди, деб жуда қаттиқ кўрқдим. Уйимга қочиб бориб, дарҳол эшикларни тамбалаб мустаҳкамладим. Энди нима қилсам бўлар экан? Шу фикр билан бутун кечаси ухламасдан ўйлаб чиқдим. Ва яна: «Эй Аллоҳ, мунча катта балолардан қутқазиб бир қанча неъматлар бериб эдинг, яна ушбу ём-ёмлар шарри-ёмонлигидан ҳам ўзинг сақлагил», деб кўрқувдан бўкириб йиғлардим. Яна бир кун булар мени кўриб ёки ҳовлимга келиб, мени ўлдирадилар, деган фикр билан ҳовлим атрофларини маҳкам қилдим. Милтиқлар мўлжаллаб отиш учун ҳар ер-ҳар ердан тешиклар ҳам қилиб қўйдим. Уйим ичига неча кунлик емагу ичмак каби нарсаларни жам қилдим. Яна узумлардан шарбатлар қилиб, ўзим уриниб қилган челақларга тўлдириб, уни ҳам уйимга олиб кириб қўйдим. Яна ём-ёмлар уйим эшигига яқин келмасин, деб атрофига катта ва чуқур ариқ қовлаб, унга осма кўприк қилиб, ўша осма кўприкни олиб қўйдим. Шундай кўрқувдан очиқ ерда ўт ёқмасдан ва милтиқ отмасдан оролларда айланиб томоша қилар эдим. Кечалари эшик шитирласа, ҳамон дир-дир титраб кўрққанамдан милтиқ ёки болтага ёпишардимки, назаримда ём-ёмлар келиб қолгандек кўрқар эдим. Беш-ўн кун шундай кўрқиш билан хийла тадбир жорий қилиб, ём-ёмлардан ҳеч бир асар бўлмагани учун ўша ерларни яна такрор кўрай-чи, ҳеч асар борми-йўқми, деб билишга қарор бердим. Қайтадан ўша кумлик ерга бордим. У ерда у ёқ-бу ёқни айланиб юриб, узоқдан бир суякни кўриб қолдим. Ҳамон кўрқиб ўша ниманинг суяги эканини билиш учун олдига келиб тикилиб қараб кўрдим. Одам оёғининг почаси суяги — аниқ билдим. Оёқларим

билан қумларни титиб кўрдим. Қумлар орасидан беш-ўн одамнинг суяклари чиқди. Яна бу суяклар бирор мартаба ўтга тушиб чиққани ҳам маълум бўлди. Сўнг кўзим олди қоронғилашди, ақлим бошимдан учди. Бир оздан кейин ўзимга келиб, ушбу қўрқинчли ердан қочдим. Суяклар ём-ёмлар пишириб еган одамларнинг суяги экани аниқ билинди. «Ё Раб, энди нима қиламан?! Бир куни ушбу ерда эчкилар юргани ва иморат бўлганини ўша кофир ём-ёмлар келиб кўради. Сўнг ҳолим хароб», деб бўкириб йиғламоқдан қўрқиб, оҳиста-оҳиста йиғлар эдим. Кунлардан бир кун ўша юртимда бўлган тоғнинг устига чиқиб дурбин билан денгизга қараб турар эдим. Иттифоқо, денгизда узоқдан бир-икки нарсанинг қораси кўриниб қолди. Секин ўзимни тош орқасига олиб беркиниб нима ҳодиса экан, деб қараб турдим. Кейин денгиз чегарасига учта қайиқ келиб тўхтади. Ичидан ўн саккиз-йигирма нафар ориқ, сочлари ўсган юзлари қопқора яланғоч одамлар чиқдилар. Булар, шубҳасиз, ём-ёмлар эди. Охир камоли қўрққанимдан баргларнинг орасига кириб, ўлим вақти шу кунда экан, деб кўзларимдан қонлик ёшлар тўкдим. Ўзимни кофирларга кўрсатмасдан уларнинг ҳаракатларини тамом кўриб турдим. Улар тоғдан узоқроқ қумлик ерга чиқиб ўтиришди ва бир нечалари ўтин тўплашга кетди. Сал фурсат ўтиб, кўп ўтинларни олиб келиб, ниҳоятда шиддатли ўт ёқдиларки, ўтни шуъласи осмонга чиқиб турар эди. Кейин қайиқдан уч нафар қўл-оёқлари боғлиқ одамларни олиб чиқиб, тош билан бечораларни бошларини ёриб, парча-парча қилиб, ўша оловда кабоб қилиб емоққа бошладилар. Ушбу ҳолларни кўрганимдан кейин бошимдан ақлим кетиб, бу ерда кўп беҳуш бўлиб қолганимни билмадим. Сўнг кўзимни очиб қарасам, ём-ёмлар қайиқлари билан йўқ бўлибди. Билдимки, ём-ёмлар жўнаб кетибди, дарҳол ҳовлимга қочиб келиб уйимга кириб, эшикларни тамоман маҳкам қилиб, қаттиқ қўрққанимдан уч кунгача уйимдан чиқмадим. Гумон ва қиёс қилганимни ўз кўзим билан кўрдим. Хуллас, ушбу оролда ём-ёмлар бор экани аниқ маълум бўлди. Бундан кейин жами

фикру ёдим муҳофазада эди. Лекин уч кун ичида кечалари қоронғида ўтирдим; ҳеч ўт ҳам, шам ёки чироқ ҳам ёқмадим; уйимдан асло эшикка чиқмадим. Бундан кейин ҳар иш қилсам товушсиз қиладиган бўлдим. Кундузи ош пишириш учун тутуни чиқмасин, деб уйим ичида олов ёқар эдим. Шундай хавф-хатар билан бир йилни ўтказдим. Ём-ёмлардан ҳеч бир асар кўринмади. Бу кофир ём-ёмлар ҳар доим келмасдан баъзи-баъзида келар экан. Бунинг сабабини билолмадим. Яна ўша ём-ёмларнинг қайиқлари узоқ йўлга ярамаслиги уларнинг яшаш жойи ушбу ердан кўп узоқ эмаслигини билдирар эди. Шунингдек, яшаб турган жойим атрофида бошқа ороллар борлиги, у тўқайларда ваҳший одамлар — ём-ёмлар яшаши аниқ бўлди. Шундай кўрқув билан баҳорга чиқиб олдим. Қайиққа емишлар ортиб, баъзи тарафларга саёҳат қилиш учун денгизга қарасам, узоқдан икки қайиқ кўринди. Дарҳол ҳовлимга келиб учта милтиқ ва тўппонча каби нарсаларни олиб тоғ тепасига чиқдим. Қайиқлар тўғри қирғоқдаги кумлик ерга келаётган эди. Яна одам емоқ учун келди, деб катта тош орқасига ўзимни олиб турдим. Қайиқлар денгиз қирғоғига келгач, ичидан тўққиз нафар ём-ёмлар чиқди. Улардан учови ўтин тўплашга кетди. Бу кофирлар яна одам егани келди, деб кўрқиб яшириниб турар эдим. Сўнг томоша қилиш гуноҳ, балки тутқунларни халос этиш лозим, деган фикрга тушдим. Лекин бирдан жасорат қила олмадим. Чунки олтиеттисини ўлдирсам, бирортаси қайиққа тушиб қочса, яна бир куни элликта-юзта ём-ёмни бошлаб келар, деган фикр билан кўрқиб йиғладим. Аммо ём-ёмлар ўт ёқиб қайиқдан қўли ва оёғи боғлиқ одамларни чиқарган замон менда асло тоқат қолмасдан нима қилса қилсин, деб тоғдан тушиб улар тарафига бордим. Ўзимни чоғлаб милтиқ ва тўппонча тайёрлаб, катта бир ёғоч орқасига беркиниб турдим. Уч-тўрттасини милтиқлар билан нишонга олиб отдим. Уч кофирни ўлдириб ва бирини ярадор қилдим. Кейинги отганимда бирини ўлдириб, яна бирини яраладим. Бу ҳолда ём-ёмлар милтиқ нима эканини билмасдан ва бошқалари қонга бўялиб йиқилга-

нини кўриб шошиб турганда, бирдан бириси мени кўриб қолиб бошқасига қўли билан ишорат қилиб кўрсатди. Унинг қўлида камони бор экан. Дарҳол ўқ солиб отишга ҳаракат қилди. Милтиқ билан буни ҳам ўлдириб, кейин қўлимга қилич олиб ём-ёмларга қараб югурдим. Соғ қолган икки ём-ём дарров қайиққа тушиб қочди. Уларнинг орқасидан бир-икки марта милтиқ отсам ҳам, уларга етмади. Йўлни чап солиб айланиб қочиб қутулиб кетди. Яраланиб ётиб қолган ём-ёмларни қилич билан уриб ўлдирдим. Кейин ўша ём-ёмлар емак учун олиб келган, боғлаб қўйилган одам олдига борсам, у бечора ўн саккиз-йигирма ёшлар бир ём-ём экан. Дарҳол қўл-оёқларини банддан бўшатиб, тургил деб ишорат қилдим. Яна анча мулозамат кўрсатдим. Милтиқ овозидан бу ҳам ниҳоятда кўрқиб дарҳол ўрнидан туриб, ўз тилида айрим сўзларни айтди; йиғлаб оёғим остига ўзини ташлаб, оёғимни кўзига суртди. Табиийки, кўрққанидан ўзича кўп сўзларни ғужурлар эди. Мен унинг нима деганидан беҳабар эдим. Шундай бўлса ҳам, ҳолидан омонлик тилагани маълум эди. Кўрдимки, боргунча мени қатл қилар гумон қилиб, кўрқиб йиғлади. Кўрқма сени қатл қилмасман, деб зўрға ишорат билан билдирдим. Шу вақтда денгизда шамол ва бўрон туриб, пўртана бўлиб кўпира бошлади. Иншааллоҳу таоло, қочган ём-ёмлар ушбу денгиздан омон чиқмаслар, чунки қайиқлари нобопроқ эди, деб хурсанд бўлдим. Сўнг тутиб олган ваҳшийни уйимга олиб бордим. Юзимни ва қўлимни ювиб, эчкиларни соғмоққа бордим. Бу ваҳший ҳам ёнимда эди. Аммо ушбу ваҳший аслига бориб менга бир зарар етказмасин деб бир оз хавф қилар эдим. У эса ишимни кўриб, бир оз ташаккурлар қилиб, ишорат билан эчкиларни соғишни сўради. Ижозат бердим. Кўрдимки, мендин яхшироқ соғди. Яна унга хийла яхшилик ва мулойимлик кўрсатиб кўп-кўп таомлар бердим; оз-оз тил ўргатишга бошладим. Ўзи қўлимга жума кун асир бўлиб тушгани учун отини Жума қўйдим. Жума учун ўзимнинг отимни Хожа қўйдим. Отларимизни ўргангандан кейин «бор», «кел», «юр», «тур», «у», «бу» деган сўзларни ҳар кун оз-оз таъ-

лим бердим. Эчкиларни боқиш, соғиш ва баъзи ишларни кўрсатган замон билганлиги учун жуда хурсанд экани маълум эди. Кунлардан бир кун қўллари билан қумлик ерга ишорат қилиб кўмиб қўйган одамларни очиб емоқ керак, деган сўзларни билдирди. Дарҳол қошларимни қимирлатиб, тумшуқларимни буриб анча аччиқланиб, одам гўштини емак ҳаром бўлгани ва бир фано иш эканини билдирдим. Жуманинг ушбу фаҳмлатган сўзидан маълум бўлдики, ём-ёмлар бир-бирлари билан уришиб асир бўлганларини одам йўқ қумлик ерга олиб келиб еб ва ортиб қолганини қумга кўмиб кетиб, қўлларида асир қолмаган вақтида мазкур қумга кўмиб кетган ўликларини ейиш учун келар экан.

Ўзим тўн қилиб кийган эчки терисидан яна бир-икки кийим тикиб, уни Жумага ҳам кийдирдим. Бунинг учун жуда вақти хуш бўлиб, хурсандлик изҳор қилар эди. Аммо менга қанча муҳаббат қилса ҳам, яна бир кун ваҳшийлик пайтидаги ишларини қилиб зарар етказар ваҳми билан Жума учун бир бўлак уй ясаб, кечаси Жумани унга қўйиб ўзим уйга кириб, эшикларни маҳкам қилиб ётар эдим. Ҳамд бўлсин Худогаки, бу бечора мени учун ҳеч бир ёмон фикри бўлмасдан нима иш буюрсам, мамнун бўлиб бажарар эди. Уч-тўрт кун уйимда бирга олиб юриб ўзимга анча ўргатиб, сўнгра бирга овга олиб чиқдим. Йўлда бораётганда тез-тез устидаги теридан қилинган тўнларга ғаши келиб ечмоққа ҳаракат этиб қўяр эди. Чунки ўзи бечора умр бўйи яланғоч юриб ўргангани боис ушбу тўн учун ниҳоят хафа бўлса ҳам, мендан қўрқиб асло билинтирмас эди. Яна узоқдан қушлар ва кийикларни уриб олганимни кўриб жуда қўрқиб, шошиб қолар эди. У ҳайвонлар овозидан қўрқиб ўлади, деб гумон қилар эди. Лекин ярасини кўриб яна ниҳоят ҳайрон бўлар эди. Жумани ҳар ишларга солиб ва ҳар хил нарсаларни ўргатиб, балки ўзимга бир дўст қилиб олиш ниятида эдим. Ушбу ваҳшийни одам қаторига қўшиш учун ниҳоятда уринар эдим. Ҳайвондек бўлса ҳам, оз-оз сўз сўйлайдиган қилсам, тўтидан яхшироқ ҳамсуҳбат бўлиши умидида эдим. Ушбу оворагарчилик билан кўп вақт ўтди. Кун-

лардан бир кун Жумадан ярим гап ва ярим ишорат билан ушбу жавобларни олдим. Айтдимки:

— Ғавғода сизлар юраклик ва моҳирмисизлар? — деб сўрадим.

— Бале, улар уруш-жанжални уста ва моҳирларидир, — деб жавоб берди.

— Сизни қабилангиз шундоғ ғавға ва урушга моҳир бўлсалар, нечун сизларни асир бердилар.

— Хожам, менинг асир тушишим қазога кўра бўлди. Чунки кунлардан бир кун бизнинг қабилаларимиз йиғилдилар ва ўз ораларида фалон мавзедаги қабилани бориб талон-тарож қилиб келармиз, деб маслаҳат қилдилар. У вақтда ўша мавзеликдан бири бор экан. Дарҳол кечаси кетиб ушбу бизнинг қабила ичида бўлган воқеадан уларни хабардор қилибди. Бизлар ундин беҳабар беш-ўн қайиққа қирқ-элликтаминиб ўша мавзеге бордик. Ўша қайиқни ичида мен отам билан бирга эдим. Отамнинг кўлида катта камони бор эди ва мен бўлсам қайиқни куракларини ушлаб йўл бошлаб эдим. Аммо кўлимда ҳеч бир яроқ йўқ эди. У мавзеге кечаси ярим тунда бориб дарёни бўйида қумлик ерда истироҳат қилдик. Овқат йўқлиги учун жуда оч қолган эдик. Ичимизда уч нафар қарироқ одам очликдан бетоб бўлиб қолган эди. Бошқаларимиз маслаҳат қилдикки, энди ушбу чоллар бетоб бўлиб қолди. Агар уруш катта бўлиб кетса, ушбу одамлар биздан уларга асир бўлиб тушади. Сўнгра ушбуларни татмом ўзимиз еб битиришга қарор бердик. Дарҳол барчамиз ёнларимиздан пичоқларни чиқариб, тирик турғизиб, тўғри келган ерларидан ўйиб-узиб, катиб олиб едик. У бечоралар фарёд ва фиғон қилиб турар эдилар. Аввал бирини тилиб, кесиб еб турганимизни иккинчиси кўриб ялиниб ёлвориб йиғлади. Ушбу тариқа иккисини еб тўймадик. Яна бирини ҳам есак тўямиз деб қарасак, у касални учинчиси йўқ бўлибдир. Ҳар тарафларни истасак, у бечора ётсам дарҳол еб қўядилар, деб мана мен тузалиб қолдим деб бизларга аралашиб юрибдир. Дарҳол уни ҳам уриб ўлдириб еб хотиржам бўлдик. Қоринларимиз тўйди. У ҳолда тонг отди, офтоб чиқди. Ҳануз душманлар келмабди. Шу

тариқа уч кун ўша ерда душманни кутиб ётдик. Аммо ўша уч одамни еб бўлгандан кейин биримизга вабо тегиб ўлган эди. Уни тўқ бўлганимиз учун емасдан қумга кўмиб қўйиб эдик. Сўнгра ўша мавзеда уч кун ётгандан кейин яна қоринлар очди. У пайт ичимизда бирорта касал ҳам йўқ эди. Кейин ўша вабо тегиб ўлган одамни олиб келдик. Ярми сасиб қолган экан. Ярмини талашиб-талашиб едик. Бу билан ҳам бўлмади. Маслаҳат қилдиларки, душманлар келмаганидан улар бизларни кутиб тургандир эҳтимоли билан мени шу ерда қайиқ пойлаб туриш учун қўйиб ўзлари ўша мавзегга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Улар ўшалар тепасидан босиб тушармиз, деб бошқа йўл билан жўнаб кетди. Мен бўлсам, ўша қумлик ерда қайиқларни пойлаб қолдим. Сўнг у мавзенинг одамлари аввал хабар топганлари учун улар келсинлар, деб бу ерга келмай қараб турган эканлар. Уч-тўрт кун ҳеч дарақларимиз бўлмагандан кейин улар бизнинг қабила жўнаганидан беҳабар йигирма-ўттиз одамни хабар олиш учун юборган эканлар. Бизнинг қабила жўнаб, ўзим танҳо турган вақтимда ушбу одамлар келиб қолди. Мени кўриб, яккалаб орқамдан қувлади. Мен уларга уч-тўрт тош отсам ҳам, асло кор қилмасдан мени тутиб асир олиб кетишди. Ўз қабилалари ичига олиб бориб мени бир қоронғи ерга қамаб қўйдилар. Мен бизни қабила нима бўлганини асло билмадим. Тўрт-беш кундан кейин менинг қўл-оёқларимни боғлаб қайиққа солиб, емоққа ушбу сизнинг оролга олиб келган эдилар. Сўнг сиз кўриб, уларни ўлдириб ва мени қўл-оёқларимни ечиб озод қилдингиз. Бўлмаса бизларнинг қабила урушга ниҳоят моҳир одамлар эди, — деди.

Яна сўрадимки:

- Сизни қабила ҳам улардан асир олсалар, ейдиларми?
- Албатта, олган асирларни ейдилар, — деди.
- Қандай ерларга олиб бориб ейдилар?
- Бўш ва холи қумлик ерларда олиб келиб ейдилар?
- Ушбу тўқайга ҳам ҳеч олиб келгансизларми?
- Ҳа, Хожам, баъзи вақт келар эдилар.
- Сен ҳам улар билан бирга келганмисан?
- Бир марота келганим эсимда бор.

— Келган ерларингиз қайси тарафда эди? Менга кўрсат,— дедим.

— Ушбу тўқайнинг шимол тарафида эди, — деди.

Ушбу суҳбат вақтида фаҳмладимки, Жума ҳам кофир ём-ёмларга мансуб экан. Орада бир-икки кун ўтгандан кейин айтган ерини менга кўрсатишини ишора қилдим. У олдимга тушиб йўл бошлаб олиб борди.

— Мана ушбу ердир. Бир мартаба йигирма нафар асирни олиб келиб еб эдик, — деди.

— Сизлар турган жойлар бу ердан узоқми? — дедим.

— Узоқ эмас, бизларга бу жой жуда яқин, — деди.

Бу сўзлардан маълум бўлдики, ушбу орол ём-ёмлар келиб юрган жойлари экан. Агар ём-ёмлар келиб қолсалар, улар билан Жума хийла сўзлашиб, мени қутқарар умиди билан оз-оз Жумага ҳар хил сўзларни ўргатдим; унинг менга ёрдами тегар, деган умидда эдим. Баъзи вақтда мактабхонада домласи шогирдларга таълим бергандек қанча сўзларни ўргатар эдим. Сўнгра милтиқ ўқлаш, отиш ва қилич чопиш сирларини ўргатдим.

Кунларда бир кун Фарангистон одамлари ём-ёмлардек қора бўлмасдан оқ юзли бўлишларини ҳикоя қилганимда, у : «Айтмоқчи, Хожам, бундан неча йил муқаддам бизларнинг мавзегга об-ҳаводан омон тополмай денгиздан қочиб анча оқ юзли одамлар келган эди, энди сизни сўйлаганингизга қараганда ўша одамлар фаранг бўлсалар ажаб эмас», деди. Сўнг дарёда кемалари ботиб, анча фаранглар ём-ёмлар олдига чиқиб қолганлари маълум бўлди. «Улар сони қанча эди?» деб сўрадим. Бармоқлари билан ўн етти рақамини кўрсатди.

— Улар қайда қолдилар?

— Бизнинг қабила орасида.

— Уларга ҳеч зиён қилмадиларми?

— Йўқ, Хожам, ҳеч зиён қилмадилар, — деди.

— Сизлар одам гўштини ер экансизлар, нега уларни емадинглар?

— Одатимиз урушда асир бўлиб тушган ёки ўлиб қолган ё касал бўлган одамларни еймиз. Тинч юрган одамларни асло емайдилар, — деди.



Ажойиб, бу кофирларнинг ҳам ўз ораларида қонун ва гартиблари бор экан. Ушбу очиқ зиндондан холос бўлиш иложи бордир ва яна ём-ём жойига борсам, нима бўлар экан, деган фикрларга тушдим. Жумадан сўрадимки:

— Жойингизга кетгингиз келдими?

— Ҳа, Хожам, кетгим келади, — деди.

— Қайтсанг, яна одам гўшти ейсанми?

— Йўқ, Хожам, Худо насиб қилмасин, емайман.

— Агар сен емасанг, ҳамжинсларинг сени еб қўядилар.

— Йўқ, Хожам, ҳеч зарарлари тегмайди.

— Агар шундай бўлса, сенга бир қайиқ бераман, бор кетақол, — дедим.

— Сиз ҳам бирга кетасизми? — деди.

— Агар мен ҳам борсам, сизни қабилангиздан менга бир зарар тегмасми? — дедим.

— Йўқ, Хожам, сизга улардан бирор зарар тегадирган бўлса, мен сизни ҳар тариқа билан қутқараман. Яна қилган яхшиликларингизни ва ўлимдан қутултирганингизни уларга бир-бир баён қилиб бераман. Улар сиздан кўп хурсанд ва сарафроз бўлади. Яна ўша жойимизда туриб қолган оқ юзли одамларга ҳам олиб бориб учраштираман. Улар ҳам сизга хийла яхшиликларни қилсалар керак, — деди.

«У ҳолда бошимни ерга солиб катта бир қайиқ ясаб Жума билан ём-ёмлар жойига борсаммикин ёки бормасаммикин», деган фикрлар билан машғул бўлдим. Ушбу хаёлда бир қанча вақтни ўтказдик. Аммо кунлардан бир кун Жумага тўқайдан қушларнинг тухумларидан олиб келишни буюрдим. Бирор соат бўлар-бўлмас бирдан узоқдан овози келиб қолдики, унга қараб турсам, Жума қўрқиб кўзлари ёшланиб ярим гап-ярим ишорат билан: «Хожам, узоқдан уч қайиқ ём-ёмлар келаётир. Энди нима қилармиз?» деб титраб йиғлаб юборди.

— Қўрқма, Жума, қўрқма. Иншааллоҳ, ўзимизни сақлаб қоламиз. Қўрқмоқ фойда бермайди. Жасорат керак-ким, келса-келсин урушиб кўрайлик, — деган қуруқ сўзлар билан Жуманинг кўнглига тасалли берар эдим. У ҳолда икки милтиққа ўқ солиб, яна бир оз ўқ олиб қайиқларни кўриш учун Жума билан тоққа чиқдик. Денгиз-

га қарасак, узоқдан учта қайиқ келар экан. Ўзларимизни тошнинг орқасига олиб қараб турдик, қайиқлар денгиз бўйига келиб тўхтади. Ичидан бир қанча ём-ёмлар чиқиб, тўқайга ўтин тўплашга кетди. Бир замондан кейин ўтинларни олиб келиб ниҳоятда шиддатли ўт ёқдилар. Қайиқдан бир неча қўли ва оёғи боғлиқ одамларни олиб чиқиб дарҳол бирини парча-парча қилиб ташлаб, чалачулпа пишириб едилар. У ҳолда мени кўзим қонлик ёшга тўлди. Яна ўша қўли ва оёғи боғлиқ одамлардан бири оқ юзли фаранг эди. Буни кўрган замон менда асло тоқат қолмади. Ўрнимдан туриб: «Жума, тур, ғайрат вақтидир. Сенинг милтиқларингнинг кучини кўрсинлар», дедим. Жума: «Хўп!» деб ўрнидан ирғиб турди. Уч одамни еб бўлиб энди навбат фарангга келган эди. Бир-бир отдик. Саккиз ём-ём ўлиб бир қанчаси ярадор бўлганини кўриб, не ҳол юз берганини билмасдан ҳайратланган бошқалари қочишга ҳаракат қилди. Милтиқларни яна ўқлаб бир мартадан ўша қочаётганларга қараб отсак, улардан иккисига тегиб бошқалари икки қайиқни олиб ва бир қайиқни олмай шошилиб қочиб кўздан ғойиб бўлди. Сўнг дарахтзордан чиқиб ҳалиги боғлиқ фарангни олдига бориб: «Сен кимсан?» деб инглизча сўрадим. Жавоб бермади. Сўнг испанча сўрадим. У ҳолда: «Испанияликман», деб жавоб берди. Бечорани дарҳол банддан озод қилиб:

— Тур, кўрқма, қариндошим, — дедим.

У ҳолда:

— Сен кимсан ва қайси жинслансан, — деб сўради. Лекин қаттиқ кўрққанидан тиши-тишига тикирлаб тегар эди. Ҳатто баъзи гапларни сўрасам жавоб беролмас эди. Сўнгра мен ушбу испаниялик билан сўзлашиб оввора бўлиб қолган эканман. Жуманинг ёмон: «Дод», деб йиғлаган овози келди. Тезда нима бўлди экан, деб юғриб қайиққа келиб қарасам, Жума бир чол одамнинг бўйнидан маҳкам кучоқлаб, ўпиб йиғлаб ўтирибди.

— Бу ким? Нимага йиғларсан? — деганимда:

— Эй, Хўжам, бу менинг отам эди, асир қилиб емоққа олиб келган эканлар, — деди.

— Худога шукур қил, йиғлама, бойланган ипларини

кес, отангга нон-чой бер, есин. Яна айтгил, кўрқмасин саломат бўлади, — дедим.

Милтиқ билан яраланган кофирларни ўлдириб ва ўша кофирларнинг парча-парча қилган гўштларини кўмиб, Жуманинг отасини ва испанияликни олиб ҳовлимизга келдик. Буларга шўрва пишириб бериб зиёфат қилдим. Шўрва ичиб ўтириб Жума отаси билан ғужурлаб сўзлашар эди. Мен бўлсам, испанияликдан анча хабарлар эшитдим. Жумага милтиқларни тозалаб келишга буюрдим. Чунки ўша қочиб қутилиб кетган ём-ёмлар ўз жойига бориб, бошига тушган ишларни ҳикоя қилиб тўпланиб келиши мумкин, деган ваҳима бор эди. Бу тўғридан Жуманинг отасидан бир мунча хабарларни сўрадим. Бизга Жума таржимонлик қилди. Жуманинг отаси сўзидан маълум бўлдики, агар ўша қочиб қутилган ём-ёмлар ўз жойларига бориб ушбу воқеаларни баён қилса, фалон оролда вабо бўлибди, деб гумон қилишиб, асло ушбу оролга қадам босишлари мумкин эмас.

Жуманинг отасини асирликдан қутилтириб олган куним чоршанба эди. Шу боис унинг номини Чоршанба кўйдим. Шундай қилиб, дўстлар гуруҳи вужудга келди. Сўнг Жуманинг отасидан ва испанияликдан хабар сўраш учун: «Ажабо, ём-ёмлар жойларига борсак нима бўлар экан?» деганимда, Жума отасига ғужурлаб таржима қилди. Чоршанба: «Агар сиз бизнинг юртимизга ташрифи қадам қилсангиз, ўғлимга ва менга қилган яхшиликларингиз учун бош устига кўтариб юрармиз», деб жавоб берди. Ўша испаниялик бўлса, яна у ём-ёмлар юртида ўзидан бошқа ўн олти киши тургани ва уларга ём-ёмлар ҳеч зарар қилмаганларини ва кийиш учун кийимлари қолмай ночор бўлганларини маълум қилди. Кейин мен агар бориб уларни кўрсам, уларни уйимга таклиф қилиб олиб келиш лозим эканини билиб, бир-икки йилга етадиган овқатларни кўпайтириб, сўнг бориб олиб келишга қарор бердим. Эрта баҳор бўлганда ҳаммамиз бирдан экин жой тайёр қилишга ва уруғ сочишга унадик. Шундоғ бир ёз ҳаракат қилиб саксон қоп узум қуритиб, бир неча одамга етарлик гурунч ва буғдойларни пишириб олдик. Яна

бир катта қайиқ ясадик. Ўша қайиқ тайёр бўлгандан кейин Жума билан ўзим ушбу ерда қолиб, Чоршанба билан испанияликни бечора фарангларни олиб келсинлар, деб қайиққа солиб ём-ёмлар юртига юбордим. Шундоғ-мундоғ бўлиб, ушбу тўқайнинг соҳиби ёхуд ўн саккиз одам подшоҳи ўрнида юрар эдим.

Кунларда бир кун Жума югуриб келиб: «Денгизда қайиқ кўринди, келаётибдилар», деб хабар берди. Аммо кетганларига ўн беш кунлар бўлган эди. Жума билан баробар тоққа чиқиб кўрдимки, узоқдан бир қайиқ кўринди. Яна бизларникими ёки ём-ёмларми, деб хавф билан қараб турар эдим. Сўнгра яқинроқ келди. Унинг орқасидан Испания байроқлари тикилган бир катта кема ҳам кўринди ва кемани кўргандан кейин жоним ичимга сигмас эди. Жуда шошиб қолдим. Кейин уларни кутиш учун дарё бўйига борай, деб эдим. Яна бир бошқа нарса бўлиб ҳалок бўлмайлик, яқин келиб тўхтасин, кўриб таниб олдига борайлик, деб бир оз сабр қилдим. Ўзимиз турган тоғдан бир чақирим ерга келиб қайиқ тўхтади. Кўрдикки, улар инглизлар экан. Улар қайиқдан уч нафар қўли ва оёғи боғлиқ одамларни олиб чиқдилар. Буни кўриб кўрққанимдан Жумани боғлиқ одамлар ким экан ва қандай одамлар экан билиб кел, деб юбордим. Жума қайтиб келиб:

— Булар инглизлар экан, лекин ём-ёмларлардек емак учун одам олиб келибдилар, — деди.

— Ажабо, бу қандай сўз? Инглизлар одам гўштини емайдилар, — дедим.

— Аммо кўрдим, ер эканлар, инондим, — деди.

— Сен девона бўлдингми ёки кўзларингга бирор нарса кўриндими? Инглизлар инсон гўшти емайдилар. Сен таажжуб сўз сўйлайсан, — дедим.

Ҳар нима бўлса ҳам буларга ём-ёмларга қилган ишларни қилмайлик, балки уларни қўлларида милтиқлари бордир. Бизларни отиб ўлдирадилар, деган фикр билан тикилиб қарасам, буларнинг қиличдан бошқа ҳеч нарсалари йўқ экан. Сўнг уларни оҳиста кўзига кўринмасдан бориб сўзларини эшитсам, инглизча сўзлашар эди.

Мен сўзларидан билдимки, бу учта бойланган одамлар ўша инглизларнинг тўралари экан. Олиб келиб бечораларни ушбу хилват жойга ташлаб келмоқчи эканлар. Мазкур учта боғлиқ бечораларни бир дарахтнинг тагига ташлаб ўзлари тўқайни ҳар тарафларини айланиб кўришга кетдилар. Бу ҳолда ўша боғлиқ одамлар олдига югуриб келиб:

— Сизлар кимсизлар? — дедим. Булар мени бирдан пайдо бўлиб қолганим ва ҳайбатимдан ём-ём гумон қилиб жуда кўрқиб шошиб қолдилар. Яна такрор: — Сизлар кимсизлар? Кўрқманглар, ҳеч зарарим тегмайди, — дедим. Ораларидан биттаси:

— Ажабо, сен кимсан инсонга хос сўзлайсан?— деди.

— Мен сиздек инглизман, — дедим. Улар ҳам жавоб бердиларки:

— Бизлар ҳам инглизлармиз.

Яна дедиларки:

— Бизлар ўша орқамизда кўринган кемани катта бошлиқлари эдик. Ўша кемадаги одамлар бизларни хизматкорларимиздир. Бизларни сизлар адаштириб қўйдингизлар деб қўл-оёқларимизни боғлаб, ушбу ерга олиб келиб ўлдирмоқчи эдилар. Шу ҳолда бизни бу ерга ташлаб, ўзлари ҳар тарафларни кўришга кетдилар. Сўнгра Аллоҳ таоло сизни бизларга учратди.

Ушбу боғлиқ одамлар ўша орқада кўринган кема бошлиқлари эканини билиб, қўл-оёқларидаги ипларни кесиб банддан озод қилдим. Қўлларига милтиқ-қилич ва ҳар хил нарсаларни бериб анча юракли қилиб қўйдим. Ўзимизнинг қайиқларга тушиб ўша кемага бориб чиқдик. Кемадаги хизматчилар бизларни қўлимиздаги милтиқларни кўрган замон кўрқиб: «Бизлар сизларнинг хизматкорларингизмиз. Сизларни боғлаган бизлар эмасмиз», деб итоат қилди. Кейин кема раиси буларга анча ғазаб кўрсатар эди. Яна қайиқ билан уларни аввалги қумлик ерга олиб келдим. Мазкур ерда милтиқларимизни ўқлаб, айланиб кетганларни кутиб турдик. Бир оздан сўнг бир тарафдан чиқиб келдилар. Бизларни кўриб ёмонлик қилиш учун анча итоат қилмадилар. Ҳамон милтиқ би-

лан иккисини уриб ўлдирдик. Қолганлари узоқдан шапкасини осмонга иргитиб омон тилаб турдилар. Уларни олдимизга чақириб омон тилаганлари учун буларни ўлдирмасдан кўп насиҳатлар қилиб, кейин оз-оз сиёсатлар кўрсатиб турдик ва кема раиси бўлса, буларга анча сиёсатлар қилди. Чунки агар мен ушбу тўқайда бўлмасам, бу бечораларни ушбу тўқайга боғлиқ ҳолича ташлаб кетар эканлар. Кейин булар очлиқдан ёки кўрқинчдан нобуд бўлар эканлар. Шу сабабдан ушбу хил қаттиқ сиёсатларни қилар эдилар. Улар бўлса, шапкаларини кўлларига олиб омонлик тилаб тавба қилишдан бошқа ҳеч нарса демасдан фақат ялинар эдилар. Кўп тавба қилиб йиғлаганлари учун уларни ўлдирмадик. Улар бу тариқа ишлар қилмаслигига қаттиқ қасамлар берди.

Кема бошлиқлари ўз кемаларига бориб, шодлик тўпини отдилар. У тўплар гўёки ушбу тўқай подшоси — менга хурмат юзасидан отилаётгандек эшитилар эди. Кейин кемаларини жилғага яқинроқ олиб келиб, ичидан ҳаммалари чиқиб, кема бошлиғи олдимга келиб: «Тақсир, биз сизнинг соянгизда ўлимдан қутуддик, энди кема ҳам, ўзларимиз ҳам сизникидир. Ҳар қандай хизмат бўлса, буюринг», деб итоат қилдилар. У ҳолда мен кема раисига мулойимлик билан: «Энди ҳаммамиз Англияга ушбу кема билан қайтсак нима бўлар экан?», дедим. Кема бошлиғи нима буюрсангиз, қабул қиламиз, хоҳиш сизда», деди.

Кейин мен уларнинг барчасини ўз уйимга олиб келиб, хушомад учун бир неча кун боқдим. Буларга етадиган озуқаларни аввал экиб бир жойга тайёр қилиб қўйган эдим. Уларни меҳнат билан тайёр қилганим учун то тамом бўлгунча сарфладим. Ўзимнинг эса гоҳида жоним ичимга сиғмас эди. Гоҳида ушбу одамлар подшоҳидек бўлиб юрар эдим.

Биз бир қанча вақт шу тариқада умр ўтказдик. Ўша овқатлардан озроқ қолди. Кема бошлиғига:

- Энди жўнасақ қалай бўлар экан? — дедим.
- Майли, ихтиёр сизда, — дедилар.
- Бўлмаса сизлар кемаларингиз учун баъзи зарур нарсаларни бориб тайёр қилинглар, — деб уларни кемага юбордим.

Улар бориб икки кун кеманинг баъзи нарсаларини йўлга ҳозирладилар. Мен ҳам то икки кунгача нарсаларимни бир жойга тўпладим. Кейин кема ҳам тайёр бўлди. Баъзи асбобларни, чунончи олтин, кумуш ва бошқа нарсаларимни жамлаб, қайиқ билан олиб бориб кемага солдик. Яна ҳаммамиз келиб баъзи нарсалар қолмасин деб, уйларни хўп ахтариб қарадик. Барча нарса тайёр бўлгандан сўнг биз мазкур кемага чиқиб, эшикларини маҳкам қилиб, кемага Англия байроқларини тикиб денгиз ўртасига қараб жўнадик.

Кема билан уч-тўрт кун юрган эдик, бирдан қаттиқ шамол бўлиб, дарёда пўртана-тўлқин кучайди. Мен бечора пўртанадан юрак олдириб қолган эканман. Дарҳол хушимдан кетиб қолибман. Бечора раис келиб, подшосидек қилиб, қўлма-қўл кўтариб юришибди. Лекин ушбу кема ниҳоят катта эди. Фарқ бўлмасдан мазкур пўртанадан икки кунда қутулдик — пўртанадан эмин бўлдик. Мен асло кулмасдан ва сўзламасдан фарқ бўлишдан қўрқиб юрар эдим. Инглизлар бўлса, мени анча сўзлар билан тасаллихотир қилар эдилар.

Бир қанча юргандан сўнг Англия чегараси кўринди. У пайт Жума билан отаси Чоршанба мен билан бирга эди. Улар Англиянинг шаҳарларини узоқдан кўриб, бир-бирларига қараб ғужур-ғужур сўзлашар эдилар. Ҳолидан маълум бўлдики, бағоят ҳайрон бўлаётган эканлар. Яна қўллар билан иморатларга ишор қилиб, кулишар эдилар. Бу бечора Жума умрида иморат ва шаҳар кўрмагани учун жуда таажжубланиб, ярим сўз ва ярим ишор билан: — Бу ер қандай жой? — деб кулиб сўрар эди.

Мен:

— Ҳозир чиқиб қандай ер эканини биласан, — дер эдим.

Ўша тўқайзор оролда йигирма саккиз йил, икки ойу тўққиз кун яшаб, шаҳаримдан йўқолганимнинг ўттизинчи йили Англия тупроқига қадам босдим. Ўзим сафарга ёш кетиб, чол бўлиб уйга қайтдим. Ўттиз йил ичидаги барча ишларни бамисоли тушда кўргандек бўлдим. Тамом.

4000 с.д.е.

ДАНИЭЛ ДЕФО

# РОБИНЗОН ҲИКОЯСИ

Муҳаррир:  
Ақром Деҳқон

Техник муҳаррир:  
Отабек Ёқубов

Мусахҳиҳ:  
Нодира Эгамқулова

«Muharrir» нашриёти

Лицензия: АІ № 230. 2012 йил 16 ноябрь

Теришга 2013 йил 03 январда берилди.

Босишга 2013 йил 10 июлда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 ' / . «Virtec Times Uz» гарнитурасида  
офсет босма усулида газет қоғозида босилди.

2,38 шарт. б.т. 2,2 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 97-сон буюртма.

«Муҳаррир» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди.

100060, Тошкент шаҳри, Элбек кўчаси, 8-уй

E-mail: [muharrir@list.ru](mailto:muharrir@list.ru)